

В атанни улуғлаётганлар

...1998 йил. Миср Араб Республикасидаги мухташам спорт мажмуаларидан бирида армрестлинг (қўл кучини синаш) спорт тури бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатидан келган полвонлар ўз кучларини синовдан ўтказишга бошладилар. Мусобақа ҳаками майдонга ўзбекистонлик Умиджон Аҳмедовни таклиф қилди. Ҳамюртимиз ўз вази тоифасидаги барча рақибларини мағлубиятга учратиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Узоқ Африка қитъасида унинг шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.



Олти карра жаҳон чемпиони бўлган

ЎЗБЕК ЙИГИТИ

Буни дастлаб кўпчилик тасодифий ҳол деб билганди. Албатта, юзлаб мамлакат вакиллари ичида биринчи бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайдилар. Бу катта куч ва жисмоний тайёргарликни талаб этади. Лекин Умиджон Аҳмедов ушанда кўлга киритган галабасининг тасодиф эмаслигини кўп бор исботлади. Россия (1999), АҚШ (2000), Миср (2001), Польша (2002), Япония (2005) давлатларида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатларида ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Икки марта қитъа чемпионлигини кўлга киритди...

Умиджон яқинда йиғирма саккиз ёшга тулади. У йиғирма уч йил муқаддам рўй берган бир воқеани ҳамон алам билан эслади. Ушанда у полиомиелит касаллигига қарши эмлаш жараёнида шифокорнинг кўпол хатоси туфайли ногирон бўлиб қолганди. Лекин уни яқинлари, онаси Хайринисо опа ва устозлари яққалатиб қўйишмади. Доимо ёнида бўлишди. У мактабни аъло баҳоларга битирди. Спорт билан шуғулланишни қанда қилмади. Тинимсиз машғулотлар, ўз устида мунтазам ишлаш, иро-

даси мустаҳкамлиги уни муваффақиятлар сари етаклади. Кўпинча тўрт мучаси соғ бўла туриб, бирор тайинли ишнинг этагидан тутмаган ёшларни кўрганамда доимо кўз олдимда Умиджон намоён бўлади. У ногирон бўлишига қарамай, юртимизга нафи тегаяпти. — Ҳуқуқчилик кезларим спортнинг армрестлинг тури билан шуғулланардим, — дейди Умиджон. — Ҳиндистонда бўлган мусобақада совриндорлар қаторидан ўрин эгаллаганимда, онажоним қанчалар суюнганди. Кўзида ёш би-

лан «Ҳали ўғлим кўп бор чемпион бўлади» дея, дуога қўл очганди. Билмадим, шу дуолар ижобатимикин, кейинчалик олти марта жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдим. Эришаётган ютуқларимда устозларим ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходимларининг хизматлари катта. Қолаверса, ҳуқуқатимиз томонидан спортга шўнчалик катта эътибор берилётган экан, бунга биз ўз галабаларимиз билан жавоб қайтаришимиз керак. Ҳа, Умиджон юзлаб ўзбекистонлик ёшларга

ибрат бўлмоқда. Бир неча шогирд тайёрлашга ҳам улғурди. Улардан бири — Фарҳод Худоёров алақачон Осие чемпиони бўлди. Умиджон Аҳмедовнинг меҳнатлари ҳуқуқатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи унвони, «Жасорат» медаллари билан тақдирланган. Ҳозир Гулистон шаҳрида истиқомат қилади. Яқинда ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Яратганинг инояти билан соғлиги тиклана бошлади. Зебинисо исми киз билан турмуш қурди...


Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири, Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Б у асарни ўқинг

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олди-дан, «Маъмур» академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан хоразмлик ижодкорлар янги-янги асарлар яратмоқдалар. Хусусан, воҳа ёзувчилари тарихий мавзудаги янги китобларни чоп этишди.

Мозийга мурожаат

Кейинги пайтда ўзининг қисса ва ҳикоялари, жумладан, шу йил бошида «Шарк» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан чоп этилган «Темурғози тўра» китоби билан кўзга ташланиб қолган Сотим Авазнинг «Мурувват чоғи» романи китобхонлар ҳўммига ҳавола этилди.



ни топган. Тарихий даврга янги муносабат, улғу ватандошларимиз сиймоларини, уларнинг бунёдкорликларини, ватанпарварликларини тўлақонли акс эттириш мақсади кўзланган асар ўзининг бой тил ва тасвир услуби билан ҳам катта таассурот қолдиради. Китобнинг Истиқлол байрами арафасида «Хоразм» нашриёти томонидан тайёрланганлиги хоразмлик ноширлар ҳам йирик асарларни чоп этишда таъриба орттараётганликларини кўрсатади.

Романда XIX асрнинг биринчи ярми — Хива хонлигининг ҳазрат Оғаҳий асарларида кенг акс эттирилган тарихий воқеаликларга бой даври ўзига хос тарзда, бугунги кун руҳияти билан уйғун ҳолда қаламга олинган. Унда юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган Олқулихон, Мунис, Оғаҳий, Саидниёз Шолиқор сингари сиймолар ўзининг бадий ифодаси-

Э. БОЛИЕВ.

Дўстлик ва ҳамкорлик йўлида

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимиз истиқлол йилларида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиш учун кўзга кўринарли муваффақиятларга эришаётганлигини таъкидлашди. Адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистон бундан буён ҳам тараққийпарвар инсоният эришаётган ютуқлардан фойдаланган ҳолда дунё мамлакатлари билан дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаб бораверадилар.

Йиғилишда ташкилий масала қўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, академик Саидхоро Фўломов Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашининг раиси этиб сайланди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Н. ОЧИЛОВ.

«Экосан» — болаларга

Болалар муассасаларига яқиндан ёрдам кўрсатиш «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурида кўзда тутилган асосий мақсадлардан. Уни рўёбга чиқаришда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳам фаол қатнашмоқда. «Экосан» халқаро ташкилотининг яқинда Наманган вилоятига етказиб берган инсонпарварлик ёрдами ҳам бу борадаги амалий ишлардан бири бўлди. 15 миллион 510 миң сўмлик бу совға-саломнинг асосий қисмини болалар кийим-кечаклари ташкил этади. Улар экологик вазиёт нуқолай бўлган чекка қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларига тарқатилди. Бундан ташқари, Наманган шаҳридаги мукамил таъмирланаётган 2-туғуруқхонага 1 миллион 817500 сўмлик кўрпа жилдлари, дезинфекциялаш воситалари етказиб берилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«NG SERVICE» МЧЖ
Юридик ва жисмоний шахслар диққатиغا!
«NG SERVICE» МЧЖ дунёнинг куйидаги машҳур компанияларнинг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.
Сервис-маркази кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.
Шунингдек, етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улғуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.
Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: «Авиасозлар» саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

Ширкат ва фермер хўжаликларига раҳбарлиги диққатиغا!
«ЎЗАГРОМАШСЕРВИС» УЮШМАСИ ТИЗИМИДАГИ «АГРОТАЪМИНОТ-БС» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
Ўз омборидаги мавжуд Россиянинг Волгоград трактор заводида ишлаб чиқарилган ВТ-150 ДЕ ва Алтай трактор заводида ишлаб чиқарилган Т-4А.01 русумли занжирли ҳайдов тракторларини (омочи билан) таклиф қилади.
Тракторлар нарҳига 1 йил ёки 2000 мото/соат ишлаш мобайнида кафолатли таъмирлаш хизматлари қиради.
Маҳсулотлар сертификатланган.
Мурожаат учун манзил: «Агротатъминот-БС» ОАЖ. Тошкент ш., Ҳамза тумани, Жарқўрғон к., 43-уй. Тел.: 196-62-21. Факс: 194-51-44, 196-37-95.

ПРЕДЛАГАЕМ СТРОИТЕЛЬНЫМ, КАДАСТРОВЫМ, ИЗЫСКАТЕЛЬСКИМ ОРГАНИЗАЦИЯМ:
- измерительные приборы для строительства;
- приборы и оборудование неразрушающего контроля и технической диагностики;
- оптические нивелиры и теодолиты, цифровые и лазерные нивелиры;
- рулетки фиброглассовые и металлические (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 30м, 50м, 100м), телескопические нивелирные рейки;
- электронные теодолиты, безотражательные дальнометры, GPS-приемники, электронные тахеометры, персональные и автономные навигаторы GARMIN.
Возможен кредит
ул. Навои, 2а. Тел: 142-46-31, 316-59-41. Факс 134-53-66. E-mail: geo_inform@yahoo.com
услуга лицензирована Авторизованный партнер Trimble товар сертифицирован

PLASTMASSA БОЧКАЛАРИ
Марказий Ўсидаги энг йирик пластмасса бочкалари ишлаб чиқарувчи.
Европа стандартлари. Ҳажми (155, 200, 220) литр, тор ва кенг бўлини.
Куйидагиларни сақлаш ва ташини учун мўлжалланган: «Озик-овқат маҳсулотлари: (сут, пасталар, мойлар, ёғлар, спирт), «Агрессив моддалар: (кислоталар, ишқорлар, бўёқлар, мойлаш материаллари) ва бошқалар.
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., тел./факс: (99871)152-56-01, 152-74-14. Сайт: www.uzbp.uz e-mail: uzbp@mail.ru, office@uzbp.uz

GAZ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютер AVTODOM PLUS
АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГТА
700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz
ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтаридиган юк машиналари
ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУОРТМАЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЕРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь», ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидроқўтаргичлар, автоустоналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, енилли ташийдиган, самосваллар.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ш. ЖАББОРОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959. 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақаар бўлими 133-52-55; Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаландилар.
Т—Тижорат материалли
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Ҳақиқати — 21.00 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — М. Ҳолматов. Навбатчи — Ш. Ортиқов. Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.